

**МУСУРМАНОВ Р., ШОДМОНОВА М.,  
МУСУЛМОНОВА Н., РАСУЛЕВА М.**

**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА  
ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА-СИНОВ  
ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
МЕХАНИЗМЛАРИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА**  
**ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**МУСУРМАНОВ Р., ШОДМОНОВА М.,**  
**МУСУЛМОНОВА Н., РАСУЛЕВА М.**

**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА**  
**ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

**Тошкент - 2014**

УДК: 371.311.3

ББК: 74.05.

М 173

**Узлуксиз таълим тизимида педагогик тажриба-синов  
ишларини ташкил этиш механизмларини жорий этиш  
(илмий-методик қўлланма)**

**Мусурманов Р., Шедмонова М.,  
Мусулмонова Н., Расулева М.**

Ушбу илмий-методик қўлланма узлуксиз таълим тизими муассасаларида таълим-тарбия самарадорлигини таъминлаш мақсадида ўтказиладиган педагогик тажриба-синов ишларини юқори савияда ташкил этишга бағишланган бўлиб, узлуксиз таълим тизими муассасалари раҳбарлари, педагог-ўқитувчилар, педагогик ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ходимлари, илмий тадқиқотчиларга мўлжалланган.

Давлат илмий техника дастури асосида И1-ХТ-0-53-544 “Узлуксиз таълим тизимида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш механизмларини жорий этиш” мавзусидаги инновацион тадқиқот доирасида бажарилган.

**Масъул муҳаррир:**

Рашидов Х.Ф.

- педагогика фанлари  
доктори, профессор

**Тақризчилар:**

Турдикулов Э.О.

- педагогика фанлари  
доктори, профессор

Қодиров Т.

- педагогика фанлари  
номзоди, доцент

**ISBN - 978-9943-4491-8-3**

## Мундарижа

<b>КИРИШ</b> .....	5
<b>I БОБ. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b>	
1.1. Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш муҳим педагогик муаммо сифатида .....	7
1.2. Узлуксиз таълим тизимида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этишнинг ҳозирги ҳолати таҳлили .....	14
1.3. Узлуксиз таълим тизимида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этишда қўлланиладиган методлар ва уларни амалга ошириш механизмлари .....	30
<b>II БОБ. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МАЗМУНИ, ИМКОНИЯТ ВА ВОСИТАЛАРИ</b>	
2.1. Узлуксиз таълим тизимида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этишга қўйилган талаблар.....	44
2.2. Узлуксиз таълим тизимида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	59
2.3. Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва бошқаришнинг функция ва методлари .....	95
<b>III БОБ. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ САМАРАДОРЛИГИГА ИЖОБИЙ ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР</b>	
3.1. Педагогик тажриба-синов объектини танлаш ва экспериментаторлар тайёргарлигига қўйиладиган илмий-методик талаблар .....	107
3.2. Педагогик тадқиқотларда тажриба-синов ишларини ташкил этиш самарадорлигини аниқлаш мезонлари .....	112
3.3. Педагогик тажриба-синов ишлари статистик таҳлилининг оптимал усуллари .....	118
<b>УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР</b> .....	121
<b>ТАВСИЯЛАР</b> .....	123
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	124
<b>ИЛОВАЛАР</b> .....	129



**Тадқиқотда қўлланилган қисқартма сўзлар:**

- ПТСИ - педагогик тажриба-синов ишлари;
- ПТСЖ - педагогик тажриба-синов жараёни;
- УТТ - узлуксиз таълим тизими;
- УУТМ - умумий ўрта таълим мактаблари;
- МТМ - мактабгача таълим муассасаси;
- ЎМКХТ - ўрта махсус касб-хунар таълими;
- АЛ - академик лицей;
- КХТ - касб-хунар таълими;
- ИМЕН - ихтиёрий муаммоларни ечиш назарияси;
- ДТС - Давлат таълим стандартлари;
- ДТ - Давлат талаблари;
- БКМ - билим, кўникма ва малака;
- ПКҚТМОИ - педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти;
- МТМХҚТМОРЎММ - мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш республика ўқув-методик маркази;
- РТМ - Республика таълим маркази;
- ОПТМ - олий педагогик таълим муассасалари;
- МОИ - малака ошириш институти;
- ЯПТ - янги педагогик технология;
- ИТИ - илмий тадқиқот иши.

## Кириш

Педагогик тажриба-синов ишлари узлуксиз таълим тизими мақсад ва вазифаларининг қанчалик ҳаётга мослигини асослаш, Давлат таълим стандарт (ДТС)лари ва ўқув дастурлари назарий ғояларини амалиётга самарали татбиқ этиш орқали таълим-тарбия самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи ижодий педагогик фаолият ҳисобланади. Ана шу фаолиятнинг амалий ва қўлай ечимларини топиш долзарб муаммо бўлиб, ёшларга замонавий талаблар асосида таълим беришда катта аҳамия касб этади.

Узлуксиз таълим мазмунини изчил равишда янгилаб бориш объектив ижтимоий эҳтиёж бўлиб, Давлат талаблари, такомиллашган ДТС, ўқув дастурлари, ўқув қўлланма ва дарсликларни амалиётга татбиқ этишнинг илмий-методик асосларини ўрганиш, таълим беришнинг инновацион методлари, янги педагогик ва ахборот технологияларини амалиётга қўллашнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида ташкил этилади. Маълумки, педагогик тажриба-синов иши ижодий жараён бўлганлиги учун ҳар бир тажриба-синов ташкилотчиси ва иштирокчиларидан эркин ва илмий-ижодий ёндашишни талаб этади.

Тажриба-синов ишларининг самарали яқунланиши ва ижобий натижалари таълим-тарбия мазмунини назарий ва методик жиҳатдан доимий равишда янгилашга хизмат қилиши билан бирга иштирокчилар, ўқувчи-талабалар томонидан амалдаги Давлат талаблари, ДТСга мувофиқ билим, кўникма ва малакаларнинг минимум даражаси ўзлаштирилиши учун замин яратади. Узлуксиз таълим тизими амалиётини бевосита ўрганиш ва Давлат талаблари ҳамда ДТСда белгиланган минимум талабларнинг тингловчилар, ўқувчи-талабалар томонидан ўзлаштирилишини таҳлил қилиш бу борадаги аҳволнинг қониқарли эмаслигини кўрсатмоқда. Олиб борилган назорат таҳлил ишлари иштирокчилар, ўқувчи-талабаларнинг асосий ўқув фанлари бўйича тайёргарлик кўрсаткичлари ДТС, ўқув дастурларида белгиланган талаблар ўртасида кескин фарқнинг мавжудлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, такомиллашган Давлат талаблари, ДТС ва янгиланган ўқув дастурларини тажриба синовидан ўтказиш асосида мавжуд ўқув фанлари бўйича белгиланган минимум талаблар (билим, кўникма ва малакалар даражаси)нинг: таълим олувчилар психофизиологик хусусиятларига мослиги, ўқув материалларининг изчиллиги, узлуксизлиги ва ўзаро кетма-кетлиги, мавзуларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги ҳамда фавлараро алоқадорликнинг таъминланганлигини баҳолаш тақазо этилмоқда.

Тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва жараённи бошқариш илмий тадқиқот ишларининг самарадорлигини аниқлаш жараёни эканлиги, тажриба-синов ишлари тажриба методидан фойдаланилган ҳолда муайян назарий фараз ва ғоянинг ҳаққонийлигини исботлаш мақсадида ташкил этилувчи изланувчанлик фаолияти кўриниши эканлигини эътироф этиш ўринлидир.

«Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида: «Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди. Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон